



24 ОКТЯБРЬ 2021 йил
ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА 65 КУН ҚОЛДИ

Бугунги сонда:

АКАДЕМИЯНИНГ



СЎНМАС ЗИЁСИ

5

БУ ЕРДА
МАНТИҚ ҚАНИ?

Қарор бор,
мулк эса...
йўқ



4

ЮТУҚЛИ ЎЙИНЛАР ВА
ҚОПҚОҚ ЙИҒАЁТГАН
БОЛАЛАР



6

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ конституциявий кафолатлари

Сайловга кириб бориш жараёни яна бир қадам олдинга силжиди. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 63-моддаси талабларига мувофиқ сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сайловга камида етмиш кун қолганига қадар Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза; сиёсий партия рўйхатга олинганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни топшириши керак эди.

“Адолат” социал-демократик партияси томонидан бу ҳужжатлар белгиланган муддатларда топширилди. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисидаги масалани ўз йиғилишида кўриб чиқди ва “Адолат” социал-демократик партиясига сайловда қатнашиш учун рухсат берилди.

Эндиги вазифамиз — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда номзод кўрсатиш. Биз имзо варақалар бланкасини олиб, умумий сайловчиларнинг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорда номзодни қўллаб-қувватловчилар имзоларини тўплашга киришдик. Бу жараёни муваффақиятли амалга оширганимиздан сўнг, Марказий сайлов комиссиясига сиёсий партия раҳбари-

нинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни сўраб ёзган аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатилганлиги тўғрисидаги Курултой баённомаси, Курултойнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзодини овозга қўйишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси ҳамда тўлдирилган имзо варақалари тақдим этилади.

Марказий сайлов комиссияси ҳужжатларни қонуний деб топан ҳолатда, кўрсатган номзодимиз рўйхатга олинади ва бу ҳақда ОАВда эълон қилинади. Ўша кундан эътиборан сайловга бир кун қолгунга қадар тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширамиз.

2

Бугуннинг гапи

АДОЛАТСИЗ “ТОНИРОВКА”

ёхуд иқтисодий манфаат
инсон ҳаётидан устунми?

Аввал ҳам партиямиз томонидан «тонировка» масаласи кўтарилган ва бу хусусда кўплаб аҳоли вакиллари томонидан илик фикрлар айтилган. Бу кўпчилиكنинг кўнглидаги гап бўлиб чиққани хақида эътироф этилган. Ижтимоий тармоқларда ўтказган сўровномаларимиз ҳам кўпчилики бепул тонировка тарафдор эканлигини кўрсатди.

Ушбу мавзу нечоғлик долзарблиги кундек равшан эканлигига қарамай ҳамон мазкур масала ечимини топмасдан савол остида турибди. Ваҳоланки, хайдовчиларнинг ойналарни қорайтиришга рухсат йўқлиги ва жарима миқдорининг юкорилигига билдираётган эътирозлари асосли ва ўринлидир.

Юртимизга серкуёш таърифи берилиши бежиз эмас. Жазирама ёз ҳамда куз ва баҳор фаслида куёш мўллиги об-ҳаво билан боғлиқ нокулайликларни туғдиради. Офтоб тигида қолиш, куёшнинг ультрабинафша нурларини меъёрдан ортиқ қабул қилиш соғлиқ учун зарарлигини тиббиётчилар тасдиқлайдилар. Қайд этилишича, меъёридан ортиқ офтобнинг инсон организмга салбий таъсиридан ташқари, унинг меҳнат унумдорлигини ҳам тушириб юборади. Бунинг олдини олиш учун куёшдан ҳи-

мояланиш воситаларидан фойдаланишга катта аҳамият бериш тақозо этилади.

Шу ўринда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган айрим турдаги жарималарнинг миқдорлари ва уларни бир-бири билан ижтимоий ҳавфлилик нуқтаи назаридан солиштириб кўрсак, айрим жарималарнинг адолатсиз белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2-моддасига кўра маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик инсон

ва жамият фаровонлиги йўлида бошқа бир қатор устувор вазифалар билан бирга ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни ўз олдида вазифа қилиб қўяди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Автомобиль ойналарини қорайтириш орқали офтоб нуридан ҳимояланиш кундалик зарурат экан, нега бу ҳаракат катта миқдорда жарима билан жазоланмоқда?

Шу кеча кундузда “тонировка” учун жарима 6 миллиондан ортиқ суммани ташкил қилмоқда. Бу ҳуқуқбузарлик-



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси

нинг бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан олганда ижтимоий ҳавфлилик даражаси кам. Масалан, тезликни 40 км/дан оширганлик учун 2.2 миллион сўм, яъни уч баравар кам жарима белгиланган. Ахир тезликни ошириш, яъни йўлда 150-200 км/с ҳаракатланишнинг оқибати оғир, ҳатто одам ўлимига олиб келиши мумкин ва олиб келмоқда, биз бунинг ижтимоий тармоқларда кузатиб бораёмиз. “Тонировка” эса деярли ҳавф туғдирмайди. Ваҳоланки, агар пулини тўласангиз бас, бу ҳуқуқбузарлик қонуний бўлади-қолади.

Яна тақрибан оладиган бўлсак, қизил чироқда ўтиш жаримаси 4,9 миллион сўм, йўл ҳаракати қоидасини бузиб енгил тан жароҳати етказган шахсга 1,7 миллион сўмгача жарима солинади. Кўриб турганингиздек, светофорга қараб ҳаракатланмаслик ёхуд йўловчига дахл кўрсатиш “тонировка”дан кўра аҳамияти ва моҳияти паст ҳолатдек баҳоланмоқда. Зарурат ҳисобланмиш ойна қорайтиришга эса жарима адолатсиз қўлланилмоқда. Хайдовчи ва йўловчининг талаб ва эҳтиёжи ҳисобга олинмапти.

Кунига барчамиз ижтимоий тармоқларда тезликни ошириш ёки светофорнинг қизил чироқдан ўтиб кетиш оқибатида аянчли ҳолатлар юз бераётганлигини кўриб турибмиз. Рухсатсиз “тонировка” оқибатида эса бирон-бир шахсга зиён етганлигини тасдиқловчи маълумот мавжуд эмас. Бундай ҳолат бўлмасин ҳам.

Тегишли қарор билан “тонировка” рухсатномасини олиш учун катта миқдорда бир ташкилотнинг “чунтагига” тушадиган пулни тўламаганлик учун бу даражада катта жарималарнинг ўрнатилиши адолатсизлик. Ахир инсон соғлиғи ва ҳаёти ҳар қандай ташкилотнинг иқтисодий манфаатидан устун туради-ку!

Шундай экан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда қайд этилган жарималарни қайта кўриб чиқиш фурсати етди. Зеро, адолатга зид нормалар ўз кучини йўқотиб, ўрнини халқчил меъёрларга бўшатиб бериши шарт.

БИЗ ИЖТИМОИЙ
АДОЛАТ ТАРАФДОРИМИЗ.



СИЁСІЙ ҲУҚУҚЛАР ДАХЛАСИЗЛИГИНИНГ конституциявий кафолатлари

Истиқдолнинг дастлабки кунларидан буён мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгариш ва ислохотлар даври бошланди. Ўзбекистон миллий демократик ривожланишида янги йўлга – адолатли ва эркин фуқаролик жамияти сари кадам қўйди. Инсон ва жамият фаровонлиги кўзланган, ижтимоий адолат ва конунийлик принциплари асосланган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул килинди.

Мустақил таракқиётимизнинг ўтаётган ўттиз йили давомида мамлакат конунчилик базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини таъминлаш, жамиятни либераллаштириш, давлат қурилишини демократлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар негизда жамиятда сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш масаласига алоҳида ўрин ажратилганлиги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини сезиларли даражада ошириш, мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтириш учун хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчилиқни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч қим камситиши мумкин эмас”, деб белгиланган. Бу, албатта, Ўзбекистон фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини сиёсий партиялар орқали амалга ошириш имкониятини кафолатлайди.

Бу нормалар ўз навбатида жамиятимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларида, Сайлов кодекси ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асо-

слари мустаҳкамланганлиги уларнинг жамият ривожига иштирокида муҳим аҳамият касб этмоқда.



Таъкидлаш жоизки, бу нормалар ўзбек давлатчилигининг тарихий анъаналарига, замонавий давлатчилик ва парламентаризм борасида тўпланган тажрибаларга, ривожланган давлатлар амалиётига тўлиқ мос келади.

Бу йил илк бор Сайлов кодекси асосида ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларига “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шiori остида кириб келинмоқда. Бу, албатта, очиқлик, ошқоралик, тенглик ва овоз беришда яширинлик тамойилларининг янада демократлашувидан далолат беради. Аини кунларда сиё-

сий партиялар жорий йил 24 октябрь кунини бўлиб ўтадиган сайловда иштирок этиш тараддудиди. 14 август кунини Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан расмий фаолият юритаётган бешта партияга сайловда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Бу билан сайловга кириб бориш жараёни яна бир кадам олдинга силжиди. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 63-моддаси талабларига мувофиқ сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сайловга камида етмиш кун қолганига қадар Марказий сайлов комиссиясига сайловда ишти-

тўғрисидаги масалани ўз йиғилишида қўриб чиқди ва “Адолат” социал-демократик партиясига сайловда қатнашиш учун рухсат берилди.

Эндиги вазифамиз Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда номзод кўрсатиш. Биз имзо варақалар бланкасини олдик ва дарҳол умумий сайловчиларнинг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорда номзодни қўллаб-қувватловчилар имзоларини тўплашга киришдик. 6 сентябрь кунига партиянинг олий органи – Қурултойи чақирилди. Шу мақсадда жойларда партия ташкилотларининг пленумлари, конференциялари ўтказилмоқда.

Бу жараёнларни муваффақиятли амалга ошириганимиздан сўнг, Марказий сайлов комиссиясига сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни сўраб ёзган аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатилганлиги тўғрисидаги Қурултой баённомаси, Қурултойнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси ҳамда тўлдирилган имзо варақалари тақдим этилади.

Марказий сайлов комиссияси ҳужжатларни қонуний деб топан ҳолатда, кўрсатган номзодимиз рўйхатга олинади ва бу ҳақда ОАВда эълон қилинади. Уша қуздан эътиборан сайловга бир кун қолгунга қадар тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширамиз.

Бундай тадбирларнинг амалга оширилишида фуқаролар ўз хоҳишларини эркин билдиришлари лозим. Уларни мажбурлаш, уларга босим ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Зеро, сайловларда қонунларга итоаткорлик фуқароларимиз сиёсий ҳуқуқлари дахлсизлигининг конституциявий кафолатидир.

Абдукамол РАХМОНОВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
раиси ўринбосари

Тендер

“АДОЛАТ” СДП сайловолди тарғибот-ташвиқот материалларига ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сайловолди тарғибот-ташвиқот материаллари рўйхати

№	Товар номи
1	Номзод плакати (А3)
2	Номзод плакати (А4)
3	Номзод плакати (А5)
4	Транспорнтлар (1,5 метрга х 0,4 метр)
5	Календарь (пирамида)
6	Календарь (деворга)
7	Календарь (чўнтак)
8	Холодильникка мағнит логотипли
9	Холодильникка мағнит календарли
10	Буклетлар (Ўзбек, рус, инглиз тилларида)
11	Флаерлар 10х21 (10 хил)
12	Кузатувчилар учун эслатма, ваколатли вакиллар учун эслатма, ишончли вакиллар учун бейжиклар
13	Кузатувчилар учун бейжиклар, ваколатли вакиллар учун бейжиклар, ишончли вакиллар учун бейжиклар
14	Номзоднинг Сайловолди дастури
15	Партия устави
16	Баннер 6х3
17	Блокнот (А5)
18	Блокнот (А6)
19	Кўл дафтарли (йиллик)
20	Ручка
21	Флешка
22	Стол устига планнер ҳафталик
23	Стол устига планнер ойлик
24	Бир марталик байроқча 15х25
25	Стол устига темир ўзакли байроқчалар 15х25
26	Кружка
27	Вимпел 9х12 см
28	Брелок тўртбурчак
29	Пластик карточкалар учун ғилоф
30	Значок 4х4
31	Значоклар (тўртбурчак)
32	Значоклар тағизга ленталар (логотипли)
33	Шарлар: оқ ранг, қизил ранг, парламент ранг
34	Автомобиллар ойнасига наклейка
35	Автомобиль орқа ойнасига парда (турли маркалардаги автомобиллар учун)
36	Реклама роликлар: ТВ учун овозли, ЛЕД экранлар учун овозсиз
37	Логотип туширилган пакетлар: целлофан, қоғоз, матодан
38	Логотипли “Чупа чупс”
39	Логотипли аёллар шарфлари
40	Эркаклар учун галстуклар
41	Жилетка (ингичка)
42	Футболкалар
43	Кепка
44	Катта байроқ (матодан)
45	“Паук”лар
46	Логотип туширилган қоғоз жилдлари (папка-обложка)
47	Логотипли маска

Тактифлар муҳрланган конвертда, ўрнатилган тартибдаги хат билан бирга жўнатилиши керак.
Мурожаат учун телефон: 71 288 46 54 (139), 97 464 55 72

Форум

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратиб бериш энг муҳим вазифалардан бирига айланган.

Айни масала юзасидан “Адолат” СДПнинг “Аёллар қаноти” Республика Кенгаши ташаббуси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетидида “Замонавий интеллектуал фаол аёл – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратувчи куч” мавзусида олимпиа аёллар иштирокида форум ўтказилди.

ЗАМОНАВИЙ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР —

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратувчи куч

Форумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, партиянинг “Аёллар қаноти” Республика ҳамда ҳудудий кенгашлари раислари ва фаоллари, ҳудудий кенгашлар қошида ташкил этилган “Адолатнинг адолатли аёллари клуби” ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари ва ОАВлари ходимлари иштирок этди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам хотин-қизларнинг оилада, жамиятда ва илмий фаолиятдаги ўрнини ибрат сифатида кўрсатиш орқали уларни илмий бўлишга ундаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилина-

ётган қонунчилик билан таништиришдан иборатдир.

Тадбир модератори сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Гулрух Агзамова хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида уларнинг фаоллигини ошириш лозимлигини таъкидлади.

Маълумки, мамлакатимизда хотин-қизларга муносабат ўз тарихий илдизларига эга бўлиб, аждодларимиз доимо уларни қадрлашга, ҳурмат ва izzat кўрсатишга даъват этиб келишган. Буюк аллома-лар юрти бўлмиш диёримизда етишиб чиққан не-не зотларнинг дунёга

келиб, камол топишида ўзбек аёли, ўзбек оналарининг хизмати бекиёс. Улар тарбиялаган фарзандлар нафақат ўз эли, балки дунё ҳамжамияти, умумбашариёт тараққиётига улкан ҳисса қўшишган.

Бугун ҳам Ўзбекистон аёллари давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларини ҳамомханг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратилмоқда. Ўзбек аёли исми-шарифи ёнига “Ўзбекистон Қахрамони”, “Депутат”, “Сенатор”, “Олимпиа”, “Тадбиркор”, “Раҳбар”, “Ҳоким” каби атамалар қўшиб айтилиши қувонарли ҳолдир.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари, “Адолат” СДП фракцияси раҳбари Зухра Ибрагимова сўзга чиқиб, мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш давлат ва жамият ривожининг муҳим омили ҳисобланади ва айни масала партиянинг устувор мақсадлари ва Сайловолди дастурида ўз аксини топанлиги юзасидан маъруза қилди.

Шунингдек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъ-



ряпти. Йирик корхоналар, банклар ва компаниялар, тадбиркорлик субъектларини бошқармоқда.

Бугун опа-сингилларимизнинг фидокорона меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан эътироф этилиб, улар “Ўзбекистон Қахрамони”, “Ўзбекистон фан арбоби”, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон халқ артисти” сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига сазовор бўлишмоқда. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз равнақида астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Шунингдек, жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланиши, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларимиз учун “Мўътабар аёл” кўчрак нишонини таъсис этилди.

Агар тарихга назар сосак, XX аср бошларида мейрифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний: “Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилиши лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак аёллони тарбиялайди”, деб ёзганди. Дарҳақиқат, бу масалани ҳал этмасдан тараққиётни тасаввур этиш қийин эканлигини бугунги даврнинг ўзи исботлаб турибди. Жамиятда

маданиятлик даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат ва улар учун яратилган имкониятларга қараб белгиланади.

Партия Сайловолди дастурида ҳам хотин-қизларнинг демократик жараёнларнинг қузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор, иштирокчиси бўлмоғи шартлиги кўрсатилган.

Шу мақсадда мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини йўлда меҳнат қилаётган аёлларнинг фидокорона хизматларини қадрлаш ва уларнинг ғояларини қўллаб-қувватлаш “Адолат” СДПнинг “Аёллар қаноти” олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ўз соҳалари ривожига самарали изланишлар олиб бораётган хотин-қизлар доимий диққат-эътиборимизда.

Форумда партия аъзолари сафини олимпиа аёллар билан тўлдирish лозимлигига алоҳида урғу берилиб, якунида олимпиа аёллар томонидан берилган тактиф, қўтарилган масалалар ечими юзасидан “Адолат” СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда ишлашга келишиб олинди.

Гулнисо САИДОВА,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
Марказий аппарати бошқарма бошлиғи

Худудий таъкилотларда:



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ўзгаришлар

ХАЛҚ ИШОНЧИ - амалий натижаларга боғлиқ

“Адолат” социал-демократик партияси “Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун” тамойилига амал қилган ҳолда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида фаол иштирок этиб, аҳолининг кенг қатламлари орасида обрў-эътиборга ҳамда сиёсий майдонда ўзининг қиёфасига эга бўлиб бормоқда.

Хусусан, партиянинг Жиззах вилоят кенгаши ходимлари, фалоллари ҳамда депутатлари қонун устуворлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, фуқароларни ўйлантираётган масалаларга ўз вақтида ва қонуний тартибда ечим топиш орқали сайловчилар ишончини оқлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш, аҳолининг тақдирларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келишмоқда.

Бундай савий-ҳаракатларимизга Ҳамоҳанг тарзда Жиззах вилоятда партиямиз аъзолари ҳамда БПТлар сон ва сифат жиҳатдан ўсида, дастурий гоғлар тарғиботига қаратилган, юртимиз ва жаҳон миқёсидаги долзарб масалаларга бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар қўлайди. Бу жараёнда партия сафидаги аёллар ва ёшларнинг фаоллиги ошгани, айниқса, муҳимдир. Бугунги кунда вилоятда партиямиз аъзолари сонин 47 245 нафарга, БПТлар сонин эса 577 тага етди. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тақомиллаштиришга қаратилаётган эътибор ижобий самара бермоқда. Барча бугундаги партия ташкилотлари маҳаллий Кенгашлари партиядан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётгани ҳам эътирофга молик. 2021 йилнинг ўтган даврида партиянинг

вилоят, туман, шаҳар кенгашлари томонидан турли лойиҳалар доирасида онлайн ва офлайн режимида 645 та тадбир ўтказилди.

Хусусан, вилоят, туман, шаҳар кенгашларидаги “Аёллар қаноти” томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 137 та тадбир ўтказилган бўлса, “Ёш адолатчилар” қаноти томонидан 105 та тадбир ташкил этилди.

Партиянинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида фуқаролар билан мулоқотлар жараёнида қатор муаммолар аниқланди ва уларга ижобий ечим топилди. Ҳар бир туман ва шаҳарда фаолият олиб бораётган ишчи гуруҳлар 572 та маҳалла, 645 та ҳонадонга ташриф буюришиб, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган муаммоларни ўрганди. Мулоқотлар давомида фуқаролардан 335 та муурожаат қаблиб тушди, уларни ижобий ҳал этиш мақсадида тегишли ташкилотларга 144 та депутатлик сўрови юборилди. Қолган муурожаатлар юзасидан шу жойининг ўзида ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

“Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси бўйича турли сабабларга кўра чет элга кетган, таълим муассасасида ўқимайдиган, тайин магуллотга эга бўлмаган ёшлар ва уларнинг яқинлари билан мулоқот ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар ишчи гуруҳ аъзолари томонидан 485 нафар уюшмаган ёшларнинг аҳоли ўрганилди.

Бандлигини таъминлашни сўраб муурожаат қилган 64 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди. Ўрганишлар жараёнида уюшмаган ёшларнинг асосий қисми фермер ҳўжаликларида деҳқончилик, чорвачилик ёки қурилиш ишлари билан шўғулланаётгани маълум бўлди.

Партиянинг “Сиёсий-ҳуқуқий билимларни муостаҳкамлаш – демократик жамият пойдевори” лойиҳаси доирасида жорий йилнинг ўтган даврида ҳар ҳафтанинг сешанба кўни туман (шаҳар) лардаги 437 та маҳаллаларда аҳолини кенг жалб қилган ҳолда 375 маротаба сиёсий-ҳуқуқий ўқув ўтказилиб, 13 260 нафар иштирокчи қамраб олинди.

2021 йилнинг 1-яри йили давомида ҳалқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши сессиясига 2 та масала, ҳалқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига 30 та, жами 32 та масала киритилди. Шу билан биргаллик, доимий комиссиялар кўн тартибига 135 та масалалар киритилиб, уларнинг ижроси назоратга олинди.

Маълумки, бугунги кунда таълим-тарбиянинг бош бўғини бўлган мактабга таълим муассасаларида болажонлар учун яратиб берилаётган шарт-шароитларни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда вилоят Мактабга таълим бошқармаси билан ҳамкорликда партиянинг “Мактабга таълим – кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўғини” лойиҳаси доирасида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни спортга кенг жалб этиш мақсадида вилоятдаги 98 та мактабга таълим муассасаларида шах-

мат-шашка майдончалари ташкил этилди ва тарбияланувчилар иштиёрига топширилди. Бундай шахмат-шашка майдончалари мактабга таълим муассасасида тарбияланаётган болажонларнинг кенг дунёқарашли, маънавий баркамол бўлиб ўлгайишида ўзининг ижобий натижасини беради.

Партиянинг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, ишчи гуруҳлари томонидан депутатлар билан ҳамкорликда вилоятдаги мавжуд 550 та умумтаълим мактабларида ошхоналар ҳолати, ўқувчиларнинг керакли дарсликлар билан таъминланганлик даражаси, дарсликлардаги камчиликлар ва хатолар, тиббиёт хоналарида керакли жиҳозлар ва биринчи ёрдам дори-дармонларининг мавжудлиги юзасидан ўрганишлар олиб берилди ва бир қатор камчилик ҳамда муаммолар борлиги аниқланди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан асосланган депутатлар тақлифлар ишлаб чиқилди.

Вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 6-11-синф ўқувчилари ўртасида “Коррупция – ёшлар нигоҳида” иншоолар танлови ўтказилиб, гоғлиблар партиянинг вилоят кенгаши томонидан тақдирланди. Мазкур танловни ўтказиш жараёнида ўқувчи-ёшлар онгида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мухтасар айтганда, “Адолат” СДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан жорий йилнинг ўтган даври майдонида партиянинг Амалий ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳалар доирасида амалий ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Пўлат ҲАМЗАЕВ,
Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Депутат аралашгач

Мамлакатимизда кишлоқлар ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. “Адолат” СДПнинг худудий кенгашлари ходимлари, партиядан сайланган депутатлар аҳолига қўлайлик яратиш, масканлар чиройига-чирой қўшиш борасидаги бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани эътирофга молик.

Ички йўллар таъмирланди



нинг, балки аҳолининг ҳам ҳаракатланишида, ёғин-сонини кунларда, айниқса, болаларимизнинг мактабга боришида қийинчилик туғдираётган эди, – дейди фуқаро Б.Аралов. – Депутатимиз муаммони ҳал этишга жиддий киришди, мутасадди ташкилотларга муурожаат қилди. Мана, бунинг натижасида ички йўл таъмирланди, асфальт қилинди. Йўлларимиз равои, маҳалламиз обод бўлгани яхши-да.

Дарҳақиқат, ички йўлларнинг таъмирланиши, йўловчи ва ҳайдовчиларга бирдек қўлайлик яратиш, одамларнинг мушуқлини осон, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Маҳмуд ХОЛБОВЕВ,
Жиззах вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Депутатлик гуруҳларида

Бугунги янгилаш ва ўзгаришлар даврида жамиятнинг ҳар бир фуқароси ўз зиммасидаги масъулиятни тўла ҳис этишни лозимлиги ҳақидаги даъватлар, айниқса, сиёсий партиялар ва партиянинг асосий кучи бўлган депутатлик гуруҳларидан ташаббускорлик ҳамда ҳар қандай масалага сайловчи манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни тақозо этмоқда.

МАСЪУЛИЯТ – ДАВР ТАЛАБИ



Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятида депутатлик гуруҳларининг ролини кучайтириш, айниқса, партия Сайловонди дастурида белгилаб қўйилган ва ундан келиб чиқувчи устувор йўналишлар бўйича “Адолат” СДП депутатлик гуруҳлари жойларда самарали фаолият олиб бораёти.

Хусусан, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи электорат вакиллари томонидан кўн тартибига қўйилаётган долзарб вазифалар бўйича депутатлик назорати институтини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратган.

Айни пайтда вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳида беш нафар халқ ноиблари партиянинг таъни нуктаси сифатида жойларда ташкил этилаётган назорат-таҳлил тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бугунги кунда барча даражадаги депутатлар олдида турган бирламчи вазифадир. Шу ҳусусда депутатларимиз томонидан маҳаллаларда муаммоларни ўрганиш ташкил этилаётгани аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиши ва камчиликларнинг бартараф этилишига асос бўлмоқда.

Хусусан, вилоят Кенгаши депутати Абдулҳаким Эшмуратовнинг бу борадаги амалий ишларини таъкидлаш жоиз. Депутатимизга аҳоли билан мулоқотлар Термиз шаҳар “Қоқилдор ота” маҳалласида яшовчи фуқаро Гулсун Шайманова оилавий ва моддий шароити огирлиги сабабли уч ойдан буюн электр энергиясидан қарзи борлигини баён этиб, тўловни амалга оширишда амалий ёрдам сўраб муурожаат қилди. Бу муурожаат шу жойининг ўзида ҳал этилди. Фуқаронинг электр энергиясидан қарздорлиги ҳомиёллар ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида тўлаб берилди. Шунингдек, уйда замонавий газ ҳисоблагич ҳам ўрнатилди. Бундан ташқари, Гулсун Шайманованин турмуш ўртоғи ногиронлиги ва даволашишга моддий маблағи етишмаётгани бўйича муурожаатига асосан санаторияда даволалиши учун йўланма ҳам берилди.

Депутатимиз томонидан Термиз шаҳри “Қаттабоғ” маҳалласида яшовчи фуқаро Санобар Тағанованин қизи Сабрина Каттаевани ишга жойлаштиришда ёрдам сўраб қилган муурожаати ҳам жойида ҳал этилиб, ҳамкор ташкилотлар кўмагида С.Каттаева мактабга таълим муассасасига ишга жойлаштирилди.

Фаол депутатларимиздан яна бири Шохидда Холпиева маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар давомида бир қатор муаммо ва масалаларни ҳал этиб келаёпти. Жумладан, Термиз шаҳридаги “Дўстлик” МФЙда истиқомат қилувчи Зебохон Бобоева депутатимиз билан мулоқотда 4 нафар ўғли, келинлари билан бирга яшашини, фарзандларини уй-жой билан таъминлаш масаласида ёрдам сўраб муурожаат қилди. Депутат мазкур масалани маҳалла фаоллари билан биргалликда ўрганиб, ҳокимлик мутасаддиларига депутатлик сўрови юборди. З.Бобоеванин фарзандлари арзон уй-жойлар олиш учун наватга қўйилди. Шунингдек, бу оила аъзолари исқонига қуришган бўлса-да, мақсулот етиштириш учун банкдан кредит олиш масаласида тўсиқча учраганини маълум қилишиб, бу борада ёрдам сўради. Депутатнинг савий-ҳаракати билан “Микрокредитбанк”нинг шаҳар филиали томонидан шу оилага 15 миллион сўм кредит ажратилди.

“Дўстлик” МФЙда истиқомат қилувчи яна бир фуқаро Шохиста Беемова ҳам маҳаллада “Гўзаллик салони” ташкил этиб, айни пайтда тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётганини, келгусида фаолиятини жонлантириш учун кредит зарурлигини баён этиб, шу масалада ёрдам сўраб муурожаат қилди. Бу муурожаат ҳам ижобий ечим топди, банк томонидан фуқарога белгиланган миқдорда кредит ажратилди.

Одамлар билан яқиндан мулоқотда бўлмасдан туриб, фақат қоғозларда қайд этилган маълумотлар билангина жойларда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга, мавжуд муаммоларга, кенг жамоатчилик ўй-фикрларига, энг муҳими, аҳоли қайфиятига баҳо бериб бўлмайди, – дейди депутат Ш.Холпиева. — Албатта, қаерда бўлман, муаммолар бор. Жойлардаги муаммоларни ўша худуддан сайланган депутатлар бошқаларга қараганда яхшироқ билади. Одамлар ишончини қадрлаган, халқ вакили бўлиш ниялигини ҳис қилган депутатлар ҳар доим ҳаракатда, изланишда бўлади. Фидойи, қонқар халқ ноиб халқ манфаатини ҳар жабада устуи қўяди.

Шу ўринда жорий йилнинг олти ойда депутатлик гуруҳи томонидан 22 марта депутатлик сўрови мутасадди ташкилотларга юборилиб, шундан 13 таси ҳал этилгани ва 9 таси назоратга олинганини таъкидлаш жоиз.

Депутатлик гуруҳи томонидан доимий комиссияларда 3 та масала ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида 1 та масала кўн тартибига киритилиб, уларнинг ижроси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган.

Депутатлик гуруҳларининг фаолияти, жойларда аҳоли билан олиб бораётган мулоқотлари ва уларнинг муурожаатлари бўйича амалга ошираётган ишлари оммавий ахборот воситалари, партия наشري ва веб-сайтида мунтазам ёритиб борилаёпти.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи бугунги янгилаш ва ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, айрим соҳа ва тизимларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этишда, электорат манфаатини ҳимоя қилишда зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис қилмоқда.

Гулшод ТУРСОАТОВА,
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Қарорга қўшимча киритилди

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси аниқланган илк кўнлардан бошлаб ушбу касалликка қарши курашиш бўйича қатъий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бугунги кунга келиб Covid-19 тарқалишининг олдини олишда энг самарали чора – вакцинация эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг дунёда коронавирусга қарши вакцинанинг ўқни бу тури билан эмланган аҳолининг сонин тобора ортиб бораётгани ҳам аниқлаб турибди.

Юртимиздаги мураккаб эпидемиологик вазиятни инобатга олган ҳолда қонунчилигимиз тақомиллаштирилмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун билан Меҳнат кодексининг 113-моддасига ходим карантинли ва юқумли касалликлар тахдиди бўлганда Давлат санитария бош врачини қарори асосида жорий қилинган профилактик эмлашдан ўтишни рад этса (қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда), иш берувчи уни ишга қўймаслиққа ҳақли эканлигига оид қўшимча киритилди.

Қолаверса, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонунга киритилган қўшимчага кўра карантинли ва хавфли юқумли касалликлар тарқалиши тахдиди бўлганда Давлат санитария бош врачининг қарори асосида аҳолини профилактик эмлашдан ўтказиш жорий этилиши белгиланди.

Ҳозирги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан коронавирус билан курашишда касалликка қарши жамоавий иммунитет шаклланиши учун қамда 60-70 фоиз аҳоли эмланган бўлиши кераклиги айтилмоқда. Барча давлатларда Covid-19 га қарши эмлаш жараёнлари давлат сисёсати даражасига кўтарилди.

Афсуски, ижтимоий тармоқларда баъзи “билимдон”лар томонидан эмлаш жараёнлари асосиз танқид қилиниши, вакцина олгандан унинг кейин салбий асоратлари пайдо бўлиши мумкинлиги юзасидан фикрлар билдирилиши фуқаролар орасида шубҳа-ғумонлар уйғонишига олиб келмоқда. Бугунги эпидемиологик вазият биздан турли асосиз уйдирмаларга нисбатан муросасиз бўлишни, миш-мишларга ишонмаслиқни талаб этади. Вакцинация жараёнида юрдошларимизнинг фаол иштирок этиши ва коронавирусга қарши эмланиши халқимизнинг умумий манфаати учун ниҳоятда зарур.

Шоира АКБАРОВА,
халқ депутатлари Шароф Рашидов туман Кенгаши депутати

“Adolat”ga javob beradilar

“Adolat” ijtimoiy-siёсий gа-zetasining 2021 йил 16 июлдаги №29 (1346)-сонидa эълон қилинган “Тендерсиз ўтган савдолар ва ту-гамаётган гавголар” сарлавхали мақола юзасидан қуйидагилар маълум қилинади:



Олий судга кассация тартибида шикоят келтириш лозим

...Фаргона вилояти маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 3 июндаги қарорига асосан аризада Фаргона вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг “Маматхўжа Агро файз” фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаб, жавобгар Олтиариқ туман ҳокимлигига нисбатан “Туман ҳокимининг 2018 йил 16 июлдаги 2345-сонли қарорини қисман ва 2019 йил 13 июнь кунги 4129-сонли қарорини тўлиқ ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида”ги аризаси юзасидан қабул қилинган Фаргона туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 9 апрелдаги ҳал қилув қарори ўзғаришсиз қолдирилган. Мазкур қарор айни чоғда қонуний кучда бўлиб, унга нисбатан кассация шикояти келтирилмаган.

Мақола муаллифи томонидан “биринчи инстанция суди муқаддам Олтиариқ туман маъмурий суди раиси лавозимида ишлаган И.Матмусоев бошчилигига ўтказилганлиги сабабли “Маматхўжа Агро Файз” фермер хўжалиги вакили томонидан И.Матмусоевнинг иккинчи, апелляция судлов ҳайъатида иштирок этишига раддия билдирилди. Афсуски, бу раддия эътиборга олинмади”, дея эътироз билдирилган.

Бироқ бу эътирозни асосли, деб бўлмайди. Зеро, айнан Фаргона вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан “Маматхўжа Агро файз” фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб қиртилган ариза шикоят юзасидан юритилган 5-1501-2101/363-сонли маъмурий иш биринчи инстанция судида судья С.Курбанов томонидан кўриб чиқилган. Апелляция инстанциясида эса судья И.Матмусоев маърузачи сифатида иштирок этган.

Судья И.Матмусоев биринчи инстанция судида раислик қилган №3-15-14-2001/441-сонли, аниқроғи, “Қизилтепа заркум боғи” фермер хўжалиги жавобгар Олтиариқ туман ҳокимлигига нисбатан Олтиариқ туман ҳокимининг 2020 йил 27 мартдаги 462-сонли қарорини ва 2020 йил 8 июндаги 656-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси асосида юритилган маъмурий ишнинг даъво предмети мутлақо бошқа. Ушбу иш Андижон вилояти маъмурий судининг апелляция инстанцияси томонидан кўриб чиқилган.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар икки маъмурий иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кассация инстанциясида кўриб чиқилмаган. Суд қарорларидан норози тарафлар ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотлар билан кенг жамоатчиликни қалъитиш орқали эмас, балки қонунчилигимизга мувофиқ Олий судга кассация тартибида шикоят келтириш йўли билан ушбу масалага қонуний ечим изласалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ж.Юлдашев,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарат раҳбари

ТАХИРИЯТДАН: Газетамиздаги чиқш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбарининг расмий жавоб хатини жузъий қисқартиришлар билан чоп этдик. Албатта, “Adolat”да эълон қилинган танқидий мақолага ўз вақтида муносабат билдиргани учун Олий судга миннатдорчилигимизни билдирамыз. Айни пайтда яна бир бор газета кўпчилигининг минбари эканлигини, унда чоп этилган мақолада у ёки бу вазият юзасидан тахририят ёки муаллифлар асло ҳукм чиқармасликларини, балки воқеликни ҳолисона ёритишларини эслатиб ўтамыз. Газетамиз бу тамойилга ҳамиша оғишмай амал қилиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ҳуқуқшунос сўз сўрайди

БУ ЕРДА МАНТИҚ ҚАНИ?

Қарор бор, мулк эса... йўқ

Ҳурматли тахририяти ходимлари.

Мен қуйида сизларга мурожаат қилаётган иш мулкый низо билан бог-лиқ бўлиб, кўп йиллардан буён ўз ечимини топмай келмоқда.

Сизлардан ва «Адолат» СДПнинг ҳақиқий адолатпарвар фаолларидан қонун устуворлигини таъминлаш борасида ҳолисона амалий ёрдам бериш-ларингизни илтимос қиламан.

Энди қимматли вақтларингизни олиб ўтирмасдан мудоаога ўтсам. Анди-жон вилояти Марҳамат туманида яшовчи фуқаролар Қаноатхон Қорабоева ва Қодиржон Джабборов 2020 йилда бизга мурожаат қилишди. Улар ўзларига тегишли бўлган туман деҳқон бозори ҳудудида жойлашган бино ва иншоот-ларни қариндошлари Шухрат Джабборов томонидан нотариус билан ўзаро тил бириктириб, 2000 йилнинг 29 сентябрь кунини низоли бино ва иншоот-ларни ўз номига ноқонуний олди-сотди шартномасига асосан расмийлашти-риб олишган, даъвогарлар ҳолатдан 2016 йилда хабар топиб, туман проку-ратурасига ариза беришган. Даъвогарларнинг мурожаати юзасидан туман прокуратураси ҳолатини ўрганиб, ҳақиқатан ҳам ушбу низоли биноларнинг ол-ди-сотди шартномаси қалбақлаштирилганлигини аниқлаган. Бу ҳақда тер-говчининг қарори мавжуд. Лекин шундан бери орадан тўрт йил ўтаётган бў-лишига қарамадан иш адолатли ҳал бўлмаётганлиги юзасидан юридик ёр-дам сўраб мурожаат қилишди.

Адвокатлик суриштирувим даврида прокуратура ва фуқаролик судлари томо-нидан қонунларни нотўғри қўллаш, бир-бирига зид қарорлар, ажримлар мавжуд-лиги ҳолатларини аниқладим. Ушбу низоли ишни ҳал этишда ҳолислик ва адо-лат принциплари бузилган. Шунинг учун ҳам “Адолат”чиларда ҳалоллик ва адо-лат вакцинаси мавжудлигига ишонган ҳолда ёрдам сўраб мурожаат қилаяпман.

Иш ҳолати қуйидагича: низоли бино ва

иншоотлар эгаси Мадаминжон Қорабоев но-мида Шухрат Джаббаровга 2000 йилнинг 29 сентябрь кунини туман давлат нотариуси Ул-фатхон Рўзиохунова томонидан қалбаки ол-ди-сотди шартномаси расмийлаштириб бе-рилганлиги туман прокуратураси тергов-чиси томонидан 2016 йил 12 апрель кунини аниқланган. Ҳолат юзасидан туман проку-ратураси терговолди суриштирув ишларига нотариус У.Рўзиохунова ўз айбига иқрор ва пушаймон бўлиб, даъво мuddати ўтиб кет-ганлиги сабабли ишнинг айбилик масаласини ҳал этмасдан тугатиш ҳақида ариза берган. Нотариус томонидан олди-сотди шартно-масининг расмийлаштириш жараёнига мулк эгаси М.Қорабоев ва унинг турмуш ўртоғи Қ.Қорабоева тақлиф қилинмаган ва розилиги олинмаган. Қ.Қорабоева номидан ёзилган розилик аризаси ҳамда имзоси сохталашти-рилган. Ҳатто Қ.Қорабоеванинг фамилияси нотўғри ёзилиб, қалбақлаштирилган.

Ушбу ҳолатлар суриштирув жараёнида тўлиқ ўз исботини топган ва уларнинг ҳа-ракатида ЖКнинг 209-моддасидаги жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли, ушбу ол-ди-сотди шартномаси ноқонуний, деб топил-ган. Маълумки, амалдаги қонунчилигимизда

қалбақлаштирилган олди-сотди шартно-маси жиноят предмети ҳисобланади. Шунга асосан томонларнинг жавобгарлик маса-ласи ҳал этилади. Олди-сотди шартномаси ноқонуний топилган, далилий ашё сифатида олинган олди-сотди шартномаси терговчи-нинг қарори билан ўз кучини йўқотган. Шун-дан кейин туман прокурори даъвогар Қ.Қо-рабоеванинг манфаати юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Аска туманлараро судига даъво аризаси киритган. Иш судда кўрилиб, прокурорнинг даъвоси қаноатлангирлан. Апелляция суди ҳам ишни кўриб чиқиб, би-ринчи инстанция судининг ҳал қилув қаро-рини ўзгаришсиз қолдирган...

Шундан сўнг жавобгар Ш.Джаббаров Ан-дижон вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, нотариус томонидан қал-бақлаштирилган олди-сотди шартномаси-нидан бехабарлигини, туман прокуратураси томонидан ўзига нисбатан ЖКнинг 84-мод-даси, 1-қисми билан тугатилган қарордан норози эканлигини билдирган. Аризага му-вофиқ вилоят прокуратураси туман проку-ратураси қарорининг Ш.Джаббаровга те-гишли қисмини бекор қилиб, унга нисбатан ЖКнинг 83-моддасини қўллаган. Яъни, у со-дир этилган жиноятга дахли йўқ, деб топил-ган. Шундан сўнг жавобгар Ш.Джаббаров Ўз-бекистон Республикаси Олий судига назорат тартибида шикоят билан мурожаат қилган.

Унинг шикояти юзасидан Ўзбекистон Рес-публикаси Олий суди 2017 йил 7 сентябрь кунини ишни кўриб чиқиб, қуйи судларнинг ҳал қилув қарори ва ажримини бекор қи-лиш тўғрисида протест киритган. Ўз навба-тида протест қаноатлангирлиб, суд томони-дан Ш.Джаббаров фойдасига ҳал қилув қа-рори чиқарилган.

Протестда асосий ваз сифатида даъво мuddати кўрсатилган, иккинчи ваз сифатида Ш.Джаббаров томонидан нотариус билан жи-ноий тил бириктирилганлиги сабабли ишнинг унга тегишли қисми ЖКнинг 83-моддасига қайта малакаланганлиги ҳолати кўрсатилган.

Шу ўринда қонун устуворлиги, ҳолислик, мантиқ тушунчаларидан чекиниш қилинган. Биринчидан, фуқаролик судида проку-ратура терговчиси томонидан жиноят иши юзасидан қабул қилинган қарорни ўзгари-

риш ваколати йўқ.

Иккинчидан, терговчининг қарори билан нотариус томонидан олди-сотди шартнома-сининг ноқонуний деб топилган қарори ўз кучида бўла туриб, судлар ўз кучини йўқот-ган шартнома асосида низоли мулкни жа-вобгар фойдасига ҳал қилув қарори чиқа-ришган...

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ко-дексининг 113-моддасига кўра «Битим ко-дексда белгилаб қўйилган асосга кўра суд ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли ни-золи битим ёки бундай деб топилишдан қатъи назар, ҳақиқий эмас, деб ҳисобла-нади». Мазкур кодекснинг 114-моддасида «Ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлар-дан ташқари юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмасдир», деб белгилаб қўйилган.

Биз муҳокама қилаётган масалада эса жиноят терговолди суриштирув ишида жа-вобгар Ш.Джаббаровнинг иштироки тў-лиқ ўз исботини топган. Шундай экан ҳар қандай ҳолатда ҳам жавобгар Ш.Джаббо-ров мулкнинг инсофли эгалловчиси бўла олмайди. Чунки у нотариусга ўз тоғаси ва келинойиси келмаганлигини яхши билган. Сабаби даъвогар ва жавобгар яқин қарин-дошлардир. Қолаверса, нотариус У.Рўзи-охунова нега энди ўз-ўзидан бирининг мулкни бошқа бирининг номига ноқо-нуний расмийлаштириб берган, деган са-вол ҳам очиқ қолмоқда...

Юқоридагиларни инобатга олиб, даъво-гар Қ.Қорабоеванинг қонуний манфаатини химоя қилиб, қуйи судларнинг амалдаги қа-рорларини бекор қилиш ва прокуратура то-монидан жавобгар Ш.Джаббаровнинг хат-ти-ҳаракатини ЖКнинг 83-моддасидан қай-та 84-моддаси 1-қисмига ўтказиш лозим, деб ҳисоблайман. Акс ҳолда мантиқсизлик да-вом этиб, мулкнинг ҳақиқий эгаси Қ.Қора-боева қўлидаги олди-сотди шартномаси бе-кор қилинганлиги ҳақидаги шартнома билан мулксиз қолиб кетаверади.

Мансурбек АҲМАДАЛИЕВ,
Қўқон шахридаги «Адолат» адвокатлик бюроси адвокати

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА

замонавий технологиялар

Фармон ва ижро

Сўнгги йилларда суд тизимини ҳокимиятнинг мус-тақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш ҳамда мазкур тизимни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳо-фаза қилувчи мустақил институтга айлантириш бора-сида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ушбу чора-тад-бирлар мазмунида судлар фаолиятига замонавий техно-логияларнинг жорий этилиши мукаммал одил судловга эришиш ва тизим фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.

Ўтган беш йил давомида суд-лар фаолиятини янада такомил-лаштириш ҳамда судлар фаолия-тига замонавий технологияларни жорий этиш борасида 10 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва ушбу йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти ор-ганлари фаолиятини рақамлашти-риш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги қарори суд ҳокимияти орган-лари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўрта-сида маълумот алмашинувини ях-шилашни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари бўлди.

Қайд этилган ҳужжатларга кўра, жорий йилдан бошлаб барча суд-ларда суд мажлисларини иш бўйи-ча тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд

мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакл-лантириш, судларда ишларни судья-лар ўртасида автоматик равиши-да тақсимлаш, барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш тизимлари жорий этилмоқда.

Келгуси йилдан бошлаб манфа-атдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда куза-тиб бориш, суд мажлиси иштирок-чилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шакл-да юбориш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хў-жалик бошқаруви органлари, адво-катлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат элек-трон шаклда тақдим этиш имкони-ятларини берувчи “Адолат” ахборот тизимлари комплекси жорий эти-лиши белгиланди.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган ин-терактив хизматлар туруни кенгай-

тириш бўйича ишлар жадаллашти-рилмоқда.

Жумладан, барча инстанция суд-лари фаолиятига “E-XSUD” ҳамда “E-SUD” ахборот тизимлари ҳам-да марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси жорий қилин-ган бўлиб, ушбу тизим асосида суд-ларга келиб тушган ишларни элек-трон тартибда рўйхатдан ўтказиш, судларга электрон шаклда келиб тушган ариза ва мурожаатларни рўйхатга олиш ва суд ҳужжатларини электрон шаклда юбориш, ишларни судьялар ўртасида инсон омилсиз автоматик тарзда тақсимлаш амалга оширилади.

“E-XSUD” ахборот тизими элек-трон ҳуқуқмат фойдаланувчила-рининг идентификация тизими, жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базаси, идо-ралараро интеграция платформаси билан интеграция қилинган.

Суд хизматларидан фойдала-нишнинг инновацион, ишончли ва қулай йўли сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томони-дан “my.sud.uz” интерактив хиз-матлар портали ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур портал орқали суд-ларга электрон мурожаат йўллаш, электрон тўлов тизими, суд маж-лислари жаadwal, раҳбарият қабу-лига рўйхатдан ўтиш, масофадан туриб суд мажлисларида иштирок этиш, суд хабарномаларини он-лайн олиш мумкин.

Шунингдек, судлар бўйича барча якуний суд қарорлари судьялар то-монидан веб-сайтта жойлаштири-лади. Жорий йилнинг август ойи хо-латига 104721 та жиноят ишлари бўйича суд қарорлари, 738517 та


маъмурий ишлар бўйича суд қарор-лари, 317900 та иқтисодий ишлар бўйича суд қарорлари, 522386 та фуқаролик ишлари бўйича суд қарор-лари ушбу сайтга жойлаштирилган.

Ушбу порталда, жисмоний ва юри-дик шахслар учун янада қулайлик ва енгиллик яратиш мақсадида, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд-ларда, маъмурий ва иқтисодий суд-ларда фуқаролар томонидан амалга ошириладиган барча тўловларни, шу жумладан, давлат божини ҳисобга олиш ва тўлашнинг ягона электрон ти-зими ҳам йўлга қўйилган.

Судлар фаолиятига доир статис-тик ҳисобот маълумотларини онлайн тарзда олиш имконини берувчи “stat.sud.uz” сайти ишга тушурилган бўлиб, мазкур дастурий таъминот суд йўна-лиши бўйича қўрилган ишлар, тоифа-лар, натижалар, ҳудудлар кесимида статистик ҳисобот маълумотлари билан онлайн тарзда танишиб бориш, судлар фаолиятига доир статистик маълумотларини очиб ва ошқорали-гини таъминлаш имониятини беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, судлар фаолиятининг рақамлаштири-лиши ўз навбатида фуқаро ва тадбир-корлик субъектларига янада қулайлик яратиш, тизим фаолиятида ортиқча қоғозбозлиқни кечлаш, олиш ҳудуд-ларда яшовчи фуқароларга мусофа-дан судларда иштирок этиш имкони-тини таъминлаш билан бирга, судлар фаолиятида очиклик ва шаффоф-ликни оширади.

Дилдора БАЗАРОВА,
Тошкент давлат юридик университетини кафедра мудири, юридик фанлар номзоди



АКАДЕМИЯНИНГ СЎНМАС ЗИЁСИ

Халқимиз улғу байрам — мустақилликнинг 30 йиллигига муносиват ҳозирлик кўрмоқда. Тўғри, минглаб, миллионлаб йиллар юкини елкасига ортмоқлаган кекса тарих учун 30 йил само бағрида чақин қақнашига тенг бир фурсат дейиш мумкин. Лекин чақин бир зумлик нури билан само бағрини, заминни, оламни ёритгани каби 30 йиллик мустақиллик тарихимиз Ўзбекистон деб аталган юртни яна қайтадан дунёга танитди. Мамлакатимиз бу давр ичида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ва барча соҳаларда улғувор муваффақиятларга эришди. Шу билан бирга илм-фан, таълим соҳаларида ҳам жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Кўплаб илм-фан даргоҳларининг очилиши, миллий таълим тизимининг яратилиши, илмий соҳада дунё фан марказлари билан ҳамкорликларнинг юзага келиши қўлга киритилган ютуқларнинг ифодасидир. Энг муҳими, илм-фан ишлаб чиқариш билан, ҳаётий тараққиёт билан уйғунлашди. Ҳаётда янги технологияларнинг яратувчисига айланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоят бўлимлари, Хоразм Маъмун академияси фаолиятларида бу жараён яққол кўзга ташланмоқда. XI асрда барпо этилган ва XXI асрда қайтадан ташкил қилинган Хоразм Маъмун академияси эндиликда воҳанинг улғувор зиё масканларидан бирига айланди. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар унинг илмий зиёси сўнмаслигидан далolat беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, унинг ишлаб чиқариш ва номоддий соҳалар билан интеграциялашувини кучайтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Соҳанинг иқтисодиёт йўналишлари билан интеграциялашувини қонун билан ҳам мустахкамлаб қўйилди. 2019 йил 29 октябрдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги қонунининг 4-моддасида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш ҳамда ундан манфаатдорлиқни ошириш белгиланган берилган. 2020 йил 24 июлдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Инновацион фаолият тўғрисида"ги қонунини ушбу жараёни янада мустахкамлаш борасида яна бир қадам бўлди.

«Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида» ва «Инновацион фаолият тўғрисида»ги қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони асосида "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" қабул қилинди. Концепциянинг асосий параметрлари тарзида миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда инновацион ва юқори технология йўналишга ўтиш, илм-фаннинг нисбий устунлиқларини ишга солиш ва тўғри сафарбар этиш, инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш асосида жадал иқтисодий ўсишни таъминладиган соҳаларга инвестицияларни йўналтириш орқали аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш танланди.

Муносабат

НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ПУЛЛАРИ ОШИРИЛАДИ

Кишлоқ цивилизацияси тарихидан маълумки, бошқарувда адолат тамойилига асосланган, халқнинг фаровонлик даражаси юқори бўлган давлат қудратли ва салоҳиятли бўлади. Бугун бу шиор давлатимизда юритилаётган сиёсатнинг тўб ўзагини ташкил қилади десак, янглишмаймиз. Шу мақсадда аҳолининг эътиборига муҳтож катламга доимий мадад кўрсатилмоқда, аҳолининг муайян қисмини ташкил этадиган муҳтожларни қўллаб-қувватлаш орқали уларни камбағалликдан чиқариш учун мақсадли дастурлар ҳаётга жорий этилмоқда.

баробарида таълим жараёнининг барча босқичларида, жумладан, умумий ўрта таълим тизимида қатор ўзгаришлар юзага келгани ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, мамлакатимизда кимё ва биология фанларини ривожлантириш, ушбу йўналишларда таълим сифати ва илм-фан натижадорлигини ошириш «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили» Давлат дастурининг устувор вазифаларидан бири қилиб ҳудудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган фармацевтика, нефть, газ, кимё, тоғ-кон, озиқ-овқат саноати тармоқларини жадал ривожлантиришга туртки берадиган, пировардида, халқимиз турмуш шариоти ва даромадларини оширишга пухта замин пайдоворини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги "Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга асосан республика ҳудудларида босқичма-босқич кимё ва биология фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган 150 та мактабларни ташкил этиш ва уларга олий таълим муассасаларининг 55 та кафедраларини, 47 та профессионал таълим муассасаларига ишлаб чиқариш корхоналарини бириктириш белгиланган берилган.



Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган босқичма-босқич тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, мамлакатимиз Глобал инновацион индексда 2015 йилда жаҳоннинг 141 давлати орасида 122-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йил 93-ўринга қўтарилиб, рейтингда 30 поғонага юқориласи илм-фанга берилаётган эътибор, инновацион ривожланиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг маҳсулидир.

Мамлакатимиз Президентини томонидан Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йилни «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустахкамлаш йили» деб эълон қилинганлиги ушбу борадаги сиёсатнинг узвий давомидир. Давлатимиз раҳбари 2021 йилда ҳам илм-фан ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, илмий фаолиятда ёшларнинг ўрнини ошириш борасида қатор истиқболли режаларни илгари сурди. Жумладан, олий таълим муассасаларидаги давлат грантлари квотаси 25%га етказилди, республикада мавжуд бўлган 65 та академик лицей ва 183 та техникумлар олий таълим муассасалари, корхоналар ва тармоқлар тасарруфига ўтказилди. Бундан ташқари, «Эл-юрт умиди» фонди томонидан жорий йилда ёшларни магистратура ва докторантурада тахсил олиш учун нуфузли хорижий олий таълим муассасаларига юбориш квотаси 5 баробарга оширилди. 2021 йил учун илм-фан соҳасида олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сонини 4,5 мингга етказиш мўлжалланмоқда ва бунга бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилди.

Х а с р д а айнан "Дорул ҳикма вал маориф" – Хоразм Маъмун академиясида Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Ироқ каби бутун дунё тан олган Шарқ алломпари фаолият юритиш

ган. Улар дунё тарихида илк Ренессанснинг асосчиларига айланишган. Уларнинг илмий мероси жаҳон табиёти, табиий ва аниқ фанлари, информатика ва ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Бугунги кунда «Учинчи Ренессанс» пойдевори сифатида Хоразм Маъмун академиясида ва мамлакатимизнинг бошқа ИТМ ва ОТМларида уларнинг издошлари етишиб чиқиши учун кенг қулайлиқлар ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан,

Хоразм Маъмун академиясида сўнгги йилларда 10 дан ортиқ ихтисосликлар бўйича докторантура (DSc) ва таянч докторантурада (PhD) 20 дан ортиқ ёш олимлар таълим олмақда ва тадқиқотлар олиб бормоқда. Лабораториялар жаҳон стандартидаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Хорижий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатилиб, илмий тадқиқотлар юксак даражага кўтарилмоқда. Маълумки, Хоразм Маъмун академиясида тарих, археология, манба-шунослик, қишлоқ ҳўжалиги, филология, табиий фанлар соҳасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу маънода тарих ва археология соҳасидаги изланишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Масалан, Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани ҳудудидаги Хумбўзтепа ёдгорлигида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида милoddан аввалги VIII-VII асрларга оид дахма қолдиқлари ва милoddан аввалги VI асрга тегишли зардуштийлик ибодатхонаси ва оташгоҳи қолдиқлари топилди. Улар зардуштийлик дини ва дафн маросимлари билан боғлиқ бўлган ва археология фанида маълум бўлган ишототлар ичида энг қадимий ва ноёби эканлиги маълум бўлди. Илгари бу тарихий фактлар милoddан аввал IV-III асрларга тегишли хулоса чиқариларди. Мазкур дахма ва ибодатхона ўзбек олимларининг Хоразм зардуштийлигининг ватани деган фикрларини яна бир бор тасдиқлади.

Шу билан бирга яна бошқа археологик масканлар — вилоятдаги Қалъажикқалъа ва Катқалъа ёдгорликларида ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Қалъажикқалъадаги тадқиқотлар давомида ёдгорлигининг вужудга келиши билан боғлиқ маълумотлар ўрганилди. Ёдгорлигининг мудоффа тизими элементлари, тарихий тараққиёт босқичлари қурилиш материаллари ва сопол буюмлар топиламлари асосида тадқиқ қилинди. Ёдорликда аниқланган маълумотлар асосида унинг милoddан аввалги V-IV асрда вужудга келганлигини ва милoddий XI асрларгача ҳаёт давом этганлигини тасдиқловчи манбалар топилди. Ҳақиқий дала шариотида ўтказилган илмий тадқиқотлар экспедиция аъзолари бўлган талабаларда муҳим кўникма ва билимларнинг шаклланишида катта роль ўйнади. Улар археологик қазилмалар олиб бориш услубияти билан танишилди, топиламаларга ишлов бериш ва таъмирлаш бўйича тажрибаларга эга бўлдилар. Тадқиқот якунида қазиб очилган мудоффа деворининг бир қисми тажриба кўринишида талабалар томонидан аённавий усулда таъмирланди ва сайёҳлар томоша қилиши учун кўргазма сифатида тайёрлаб қўйилди.

Илмий тадқиқотлар натижасида бўлим томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида қатор илмий натижаларга эришилди. Жумладан, илмий ҳодимлар томонидан 1 та монография, 1 та рисола, 1 та ўқув қўлланма нашрдан чиқди, 3 та монография нашрга тайёрланди.

Археология бўлими бугунги кунда халқаро ҳамкорлик борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, Хоразм Маъмун академияси археологлар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги Катта Қирққизқалъа ёдгорлигида Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий-гуманитар фанлар институти археология бўлими ҳамда Россия Фанлар академияси археолог олимларининг ҳамкорлигидаги экспедиция тадқиқотлари жараёни билан яқиндан танишилди. Россиялик етакчи олимлар Сергей Болелов, Алексей Балаханцев билан Хоразм воҳасида тадқиқотлар олиб бориш мумкин бўлган истиқболли археологик объектлар ҳақида ўзаро фикр алмашилди. Шунингдек, бўлимнинг 2 нафар илмий ходими Германиянинг Гумбольдт университетининг Этнографик тадқиқотлар марказида амалиёт ўташ учун, 2 нафари Туркиянинг Erciyes университетидан таклифномалар олишди. Шунингдек, Туркия Республикаси Бош вазир девони ҳузуридаги Туркия ҳамкор-

лик ва мувофиқлаштириш агентлигининг (TIKA) Ўзбекистондаги ваколатхонасига лойиха таклифи киритилди.

Маъмун академияси томонидан ноёб қўлэмаларни таҳлил қилиш натижасида Огаҳий томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган "Алқоқул Мухсиний" асарининг асл матни билан солиштирилиб, жорий алифбодаги таъдбири тайёрланди ва нашр қилинди. Маҳмуд Замаҳшарийнинг "Муқаддимат ул-адаб" асарининг бир қисми араб ва форс тилидан ўғирлиб, чоп этилди. "Жалолитдин Мангуберди — буюк ватанпарвар саркарда" номли рисола тайёрланди ва нашр этилди. Муҳаммад Ризо Эрнйёзбек ўғли Огаҳийнинг 9 жилдик асарларидан 8 таси тўлиқ чоп қилинди.

Қишлоқ ҳўжалик фанлари бўйича Хоразм воҳаси тупроқ-иқлим шариотида мос бўлган "Хурма" ва "Ният" пахта навларига патент олинди ва ушбу нав Хоразм вилоятида янги ташкил этилган Тупроққалъа туманининг 1200 га фермер ҳўжаликларига таътиб этилди. Доривор ўсимликлардан қийиқ ўти, тирноқгул, далачий, арслонқўйруқ каби ўсимликлар Хоразм вилояти шариотларига интродукция қилинди. Амарант ўсимлигидан шифобахш амарант мойи ва сквален моддаси ажратиб олинди.

Академия олимлари томонидан термитларга қарши курашда Bauveira tenella замбуруғининг биологик самарадорлиги ўрганилиб, лаборатория шариотида термитлар танасига ушбу замбуруғлар сунъий равишда юқтирилганда уларнинг 90-95% нобуд бўлиши аниқланди. Бу термитларга қарши кураш борасида дунё миқёсида энг яхши натижа ҳисобланади. Илк бор дунё фаунаси учун термитларда нематоданинг янги Saenorhabditis sp. тури аниқланди. Термит танаси, уя камаралари ва озиқасидан 24 турдаги замбуруғлар ажратиб олинди ва тур таркиби аниқланди. Марокаш чигирткисидан ажратиб олинган, термитларга қарши курашда қўлланиладиган Bauveira tenella (Del) Siem BD-85 штаммининг вирулентлиги оширилди. Илк бор кунгабоқар пояси, Bauveira tenella (Del) Siem BD-85 ва Bacillus thuringiensis штаммлари асосида термитлар миқдорини бошқариш хўсусиятига эга бўлган патогенли ем-хўрак яратилди.

Академия олимлари Германия, Туркия, АҚШ, Хитой, Россиянинг қатор олийгоҳлари ва илмий-тадқиқот институтилари билан ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Масалан, халқаро алоқалар доирасида сўнгги йилда Туркиянинг FIPA EKOlojik компанияси билан олиб борилган музокарапар натижасида 125 минг АҚШ доллари миқдоридидаги таъши инвестиция киритилди ва 4 гектар майдонда томчиллатиш сўғоришга асосланган интенсив бог барпо этилди.

Бугунги кунда Хоразм Маъмун академияси 20 га яқин илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги Тарих, Археологик тадқиқотлар, Шарқшунослик, Генетика ва ЎЕБИ, Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Биокимё, Сейсмология, Қорақалпоғистон бўлимининг Ижтимоий-гуманитар фанлар, Табиий фанлар институтилари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидидаги ўнга яқин институт ва университетлар, ўқув ва ишлаб чиқариш ташилотлари билан мунтазам алоқалар ўрнатилган. Марказий Осиё ва жаҳоннинг қатор давлатларидаги илмий марказлар билан халқаро алоқалар янада кучайтирилмоқда. Хусусан, Германиянинг Аахен, Потсдам университетлари, Бонн университети ZEF илмий тадқиқот маркази, Саудия Арабистонининг қишлоқ ҳўжалиги департаменти, Испаниянинг Гранада университети, Франциянинг Марсель университети, Исроил давлатининг Холон технологиялар институти, SIRM илмий тадқиқот маркази, Италиянинг ICTP илмий тадқиқот маркази, Ҳиндистоннинг Anand ICI университетлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, меморандумлар имзоланган.

Иқром АБДУЛЛАЕВ, Хоразм Маъмун академияси раиси, биология фанлари доктори, профессор

“ЭНДИ БОЛАЛАР НАФАҚАСИ
ОИЛАННИНГ 3 ЁШДАН 18 ЁШГАЧА
БЎЛГАН БИТТА ФАРЗАНДИ УЧУН –
250 000 СЎМ, 3 ЁШГАЧА БЎЛГАН
БИТТА ҚИЧК ФАРЗАНДИ УЧУН –
325 000 СЎМ, ИККИНЧИ ФАРЗАНДИ
УЧУН ҚЎШИМЧА – 150 000 СЎМ,
УЧИНЧИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ
ҲАР БИР ФАРЗАНДИ УЧУН –
100 000 СЎМДАН ТЎЛАНАДИ.
ФАРМОНГА КЎРА, МОДДИЙ ЁРДАМНИНГ
МИҚДОРИ – 380 000 СЎМ ЭТИБ
БЕЛГИЛАНМОҚДА. УШБУ ТАДБИРЛАР
ЎЗАВИГА ШУ ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР
БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ВА МОДДИЙ
ЁРДАМ ОЛУВЧИ ОИЛАЛАР СОНИ
20 ФОИЗГА ОШИРИЛАДИ.

Керак ва зарур вақтда берилган озгина кўмак ҳам инсон қаддини ростилаши учун тоғдег мадад бўлади. Айниқса, кўп болали, кам таъминланган оилаларга ажратиладиган ёрдам бундай оилаларда тарбияланаётган болаларнинг соғлом ўсиб, камол топишига, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Абдоржон ТҮЙЧИЕВ, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Учқўрғон туман бўлими ходими

Аччиқ, аммо очик гаплар

Олимлар ўтказган тадқиқотда аниқланишича, одамга бир хил катталикдаги 4 дона олмани кўрсатиб, улардан бирини олиш таклиф этилса, у кўзига каттарок бўлиб кўринган олмага кўлини узатар экан. Бу борада биз нимаям дердик, олам гултоғи ҳисобланган инсоннинг ўз нафси йўриғига қарши иш тутиши осон кечмайди.

Айнан шуни эътиборга олган ҳолда, уддабурон тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотини кўпроқ сотиш мақсадида телевидение орқали ютуқли ўйин акциялари рекламасига зўр бераётгани ҳам бежиз эмас. Мана, «Ковун қовундан ранг олади» деганлари-дек, хушгаъм ичимликлар, қархив, турли қандолат маҳсулотлари, ҳатто кир ювиш кукуни ҳам ютуқли бўлиб кетди.



ЮТУҚЛИ ЎЙИНЛАР ВА ҚОПҚОҚ ЙИҒАЁТГАН БОЛАЛАР

Албатта, бирон маҳсулот қадоғи ичидан, бирон ичимлик қопқоғи тағиди нима бориғини билиш учун уни очиб кўриш керак. Демак, аввало, сотиб олиш талаб этилади. Агар ютуқ чиқмаса, маҳсулотни яна харид қиласиз. Шу тарзда бошям, охириям йўқ ютуқли ўйин акцияси давом этаверади. Ютуқли ўйин ишчибозлари шубҳа-ғумонга бормаслиги учун қимматдор қопқоқ сифатида эълон қилинади. Ёнаётган оловга мой сепиб ҳам туриш керак-да, ахир. Халқона тилда айтганда, бу сувга олиб бориб, сугормай келиш, дейилади. Ёки фирром маркетингнинг бир кўриниши, холос.

Хабарингиз бор — кўрган-сиз, эшитган-сиз: айни кунларда хушгаъм, газли ичимликлар ишлаб чиқарадиган компаниялар ўз маҳсулотларини телевидение орқали реклама қилиш бўйича кимўзар мусобақага киришиб кетди. Улардан бирининг телеканалларда ҳар соатда қандайдик марта намойиш этилаётган рекламасида қопқоқ тилга олингани сабаб эътиборини жалб этди.

«RC Cola»дан мега акция! Кумуш ранг қопқоқ «RC Cola»ни сотиб ол. Қопқоқ тағидига керакли ҳарфларни йиғиб, бир бутун сўз ҳосил қил ва ютуғингга эга бўл! Футболка, электросмокат, смартфон... асосий ютуқ — телевизор. Шошил, ютуқлар сони чекланган. ... рақамига кўнғирок қил ва қопқоқларни ютуғингга алмаштир.

Аслини олганда, рекламанинг асосий вазифаси — одамларни нимадир сотиб олишга ишонтириш. Тинмай реклама қилиниши натижасида ўша маҳсулот ҳақида истеъмолчиларнинг онгига сингди-

риб борилади. Бунга қўшимча тарзда маҳсулотнинг қопқоғидан ҳам фойдаланилса, хўш, бунинг нимаси ёмон, дейишингиз мумкин.

Гап шундаки, тилимизда наркомания, токсимания, селфимания ва бошқа шу каби сўзлар ишлатилиб келинади, сўнгги йилларда «қопқоқмания» атамаси ҳам қўлланила бошланди. Қопқоқ нималигини барча билади, маня эса бирон нарсасига ҳаддан ортқ берилиш, майл, ишқибозлик.

Агар фарзандларингиз мактаб ёшида бўлса, бир неча йил аввал «Smile Tea», «Lipton Ice Tea» яхна чой акцияси ўтказилганидан хабарингиз бор. Албатта, бундан кўз-

шундагина ўша ютуққа эга бўлардингиз. Эҳтимол, сиз билан биз — катталар «Бу ишлаб чиқарувчилар маҳсулотини пуллаш учун нима-ларни ўйлаб топишмайди-я», деб қўл силтаб қўяқолганмиз ўшанда. Бола эса бола-да, унинг велосипед мингиси, планшет кўтариб юргиси келади. Аммо истагини ота-онасига айтишга ботина олмайди. Энг тўғри йўл — «Smile» ютуқли акциясида иштирок этиш, деган ўйга боради.

Ҳа, ўша кезларда ўқувчилар ота-онаси мактабда бирон егулик сотиб олиши учун берган пулни егуликка эмас, «Smile», «Ice Tea» ичимликлари учун сарфлади, шу билан чекланиб қолмасдан, ке-

Реклама беришдан ҳам. Ютуқли акциялар ўтказишдан ҳам. Махсус чегирмалар жорий этишдан ҳам асп мақсад маҳсулотларни кўпроқ сотиш экани бизга аён. Лекин айнан шуни болалар тушуниб етгунича яхна чойни оч қоринларига роса ичишга мажбур бўлишди.

Ютуқли акциянинг айнан болаларга қаратилганини салқин ичимлик ишлаб чиқарувчиларнинг уддабуронлиги дейиш мумкиндир. Лекин жабрини ким тортди? Ютуққа умидвор бўлаётган фарзандларимиз, уларга қўндалик эҳтиёжи учун пул бераётган биз, ота-оналар, албатта.

Бундан ҳулоса шуки, болаларнинг мурғак қалбида меъёрдан ортқ қизиқиш уйғотадиган, уларни нимагадир эга бўлишга ундайдиган ютуқли акцияларни ўтказишдан олдин тегишли мутахассислар — педагог, шифокор, руҳшунос билан маслаҳатлашиш, қолаверса, ота-оналарнинг бу борадаги мулоҳазаларини ўрганиш зарур.

— Бир кун набирам Анваржон дўстлари билан футбол ўйинига отланди. Бироз ўйнасин дея дадаси руҳсат берибди, — дейди кекса ёшли онахон

Дилбар Қурбонова. — Шу кун Анваржон уйга кеч қайтди. Ўйинга қалғиб қоронғу тушганини пайкамай қолганини бахона қилди. Кейин бу ҳолат тез-тез такрорланадиган бўлди. Набирамнинг ортидан боришга аҳд қилдим. Қарасам, ўртоқлари билан ариқлар, бекаплар ёнидаги ахлат қутлиридан қопқоқларни йиғиб юришибди. Бу ҳам етма-гандек, кўп қаватли уйларнинг ахлатхоналарида ҳам киришаркан... Аввало, «айб ўзимда шу зорманда ичимликни олиб берсам, кўча-кўйда тентирамасди» деб ўзини қойдим. Бироқ дўкондаги борини олсам ҳам қопқоқ ичидан ваъда қилинган совғалар чиқмаслиги аниқ-ку. Буни болаларга тушуштириб бўлармиди? Айтсак ҳам улар ишонмайди. Хўш, нима қилиш керак? Ичимлик ишлаб чиқарувчилар, маҳсулотга реклама тайёрловчиларни таққид қилиш фикридан йироқман. Аммо ойна жаҳон орқали тинимсиз кўрсатилаётган роликлар биз истаимизми-йўқми, болаларимиз оғирда сақланиб қолишни унутмаслик даркор. Демак, реклама ва турли акцияларни эфирга узатишдан олдин, унинг моддий фойдасини эмас, маънавийтимизга таъсири ҳақида мулоҳаза қилиш керак.

Дарҳақиқат, онахон ўринли фикрларни билдирди. Қопқоқ остида ёки маҳсулот ичидан нимадир қидиришга ундовчи реклама роликларининг телевидениеда намойиш этилиши одамларнинг таъини келтира бошлади. Болаларимиз онига, маънавийтимизга таъсири ҳисоба олиб, бундай ютуқли ўйинларни тарғиб қилувчи рекламаларни чеклаш зарур.


Суюнжид МАМИРОВ,
“Adolat” мухбири

Сабоқ

Газета ўқиш УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

Агар умрингизга умр кўшишни истасангиз, оптимист бўлинг. АКШдаги Рочестер шаҳрида (Миннесота штати) жойлашган Майо (Mayo Clinic) клиникаси олимлари томонидан шундай маслаҳат берилди. Тадқиқотчилар оптимист одамлар нафақат кизикарли ва ижобий ходисаларга тўла ҳаёт кечиришини, балки камроқ касал бўлишини ҳам аниқлашди.

Маълум бўлишича, иммун тизимининг турли касалликларга қарши туриш қобилияти бевоқифа одамнинг кайфияти ва унинг атрофидаги дунёга бўлган муносабатига боғлиқ бўлар экан. Тадқиқотчиларнинг қизиқарли маслаҳатлари келгуси йилда Британияда нашр этиладиган «Ўз ҳаётингизга қандай қилиб қўшимча йилларни қўшиш мумкин?» китобига киритилган. Масалан, олиб борилган тадқиқотлар шуни исботлайдики, мунтазам газета мутолаа қилиш, музейларга бориш, кроссворд ечиш каби ақлий фаолият фаоллигини талаб этадиган машғулотлар инсон ҳаётининг давомийлигини сезиларли оширади. Шу билан бирга, қарилк чоғида Альцгеймер касаллиги ривожланиш хавфи икки барабар қамаяди. Олимлар умрни узайтирадиган омиллар қаторига инсоннинг яхши билимга эга бўлиши ва болалари борлигини ҳам қўйишди. Болалар ота-оналари ҳаётига чиндан ҳам ўзгача мазмун олиб киради, бексаранжом ва вақтини тугиз қилади, шунингдек, уларни эҳтиёткор бўлишга ва соғлом турмуш тарзини олиб боришга мажбур қилади. Олинган таълимнинг умр кўриш давомийлигига таъсири масаласига келсак, олий маълумотли кишилар дунёқароши ва фикрлаш доираси кенг бўлгани учун ўз саломатлиги ҳақида жиддий қайғуришар экан.





ADOLAT
SOTIAL-DEMOKRAT
PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Сийёсй Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛҲАМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шўҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144); 71 288-42-12 (132);

Котибият — 71 288-42-12 (141) факс; 71 288-42-14 (132); 97 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Навбатчи — Абдугани Солиқов

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

info@adolatgzt.uz
adolatgzt-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Бугуннинг гапи

Жамият тараққиётига салбий таъсир қилувчи энг хавфли иллатлардан бири коррупция, яъни порахўрлик, тамағирликдир. Тасаввур қилинг, сиз фарзандингизни умид билан кўзига топширган, устоз деб ҳурмат қилган инсон ноҳалол одам бўлса... Бундай киши ёшларга қандай сабоқ беради? Уларнинг кўзига қандай қарайди? Устознинг инсонийлик хислатларидан айрилгани таълим-тарбиянинг емирилишига олиб келади.

Адолат тамойили таъминланади



Худойназар ЮНУСОВ,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти
ректори

Шундай бўлди ҳам. Нега йиллар давомида нафақат таълим-тарбия тизими ўз йўналишини йўқотди, балки ҳалоллик, адолат тамойилидан четда бўлди. Биринчидан, ўрта таълим ёшларнинг мустақкам таълим-тарбия олишида асосий пойдевор вазифасини ўташи ўз исботини топган. Аммо тизимда бир пайтлари 10-11 йиллик таълим бекор қилиниб, 9 йилликка ўтказилди. Мактаблар ўрнига қаторлаштирилиб коллежлар барпо этилди. 14-15 ёшли болалар мактабдан «узиб» олиниб, коллежларга юборилди. Натижа нима бўлди? Гап шундаки, халқнинг катта-катта маблағлари эвазига неча йиллар давомида қурилган ҳашаматли коллежларда таълим тизими яхши ишлаб чиқилмаган, ҳаёт талабларига жавоб бермайдиган жиҳатлари кўп экан. Шу боис, қутилганидек натижа бермади. На мустақкам билим, на бир тайинли касб-хунар ўрганди ёшлар. Иккинчидан, олий таълимимизда-чи, унга қабул шармандалари тарзда давом этди. Аста-секин олий таълим оstonасига келиб унга ҳужжат топшираётган ёшларда ҳам, ота-оналарда ҳам ишонч йўқолди.

Сабаби... сабабини маълум билади: олий ўқув даргоҳига қабул коррупцияга айланган эди. Шу сабабли, аксарият ҳолларда билимлар эмас, «маҳсус рўйхат»ларга тушганлар тест синовларидан «муваффақиятли» ўтишар эди.

Хайрия! Буларнинг бариға барҳам берилди. Ўрта таълим яна 11 йилликка айлантирилди. Халқ оқшлар билан қарши олди буни. Қўплаб касб-хунар коллежлари биноси — халқ таълими ихтиёрига берилди, яъни мактабларга айланди. Энг муҳим деб топишган, одамлар учун талаб бўйича керак деб ҳисобланган коллежларгина бутун коллеж сифтида фаолият юритмоқда.

Олий таълим даргоҳидаги қинғирликларга ҳам барҳам берилди. Мана, беш йилдирки «ректорский группа» деган гаплар йўқ. Тест синовлари ҳам қайсида мактабларнинг, ташкилотларнинг биноларида сирли равишда эмас, маҳсус камералар назорати остида катта мажмуаларда ўтказилмоқда. Мухими, натижа — ҳеч қандай таниш-билишсиз билимни, иқтидорли болалар энг юқори балл тўплаб, аввал ҳаёлига ҳам келтирмаган нуфузли олийоҳларга бюджет асосида ўқишга қабул қилинган!

Ҳаммаси учун бугунги адолатли жамият йўлида ҳаракат қилаётган давлатимиз раҳбарига эл-юрт ташаққурининг чеки йўқ.

Лекин бугун таълимда, хусусан, олий таълим соҳасида муаммолар ўлиғича бартараф этилдики? Агар шундай деб ўйласак, албатта, бу хато бўлади. Халқ таълими тизимида ҳам, олий таълимда ҳам айрим муаммолар ҳамон мавжуд.

Аввало, тамағирликка чек қўйилиши керак. Юртимизда тайёрланаётган кадрлар билим даражасини кўтариш зарур. Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш имконияти борми? Албатта, бор! Бу масалада, ўйлайманки, олий таълимда шартнома тизимини жорий этиш керак. Олий ўқув юртига ўқитувчини бир йилга ишга оламанми, уч йилга, у билиши керак — йил якуни бўйича ёки уч йил якуни бўйича унинг фаолият сифатлари талабга жавоб бермаса, шубҳасиз, ишдан кетиши лозим. Ўшандагина унда масъулият пайдо бўлади. Демак, эндиги вазифа — олий таълим муассасаларида ишлаётган профессор-ўқитувчиларнинг ёшларга таълим-тарбия бериш масаласи билан боғлиқ. Бугун ҳар бир олий таълим даргоҳи ўқитувчиси, у профессорми, фан докторими ё оддий ўқитувчиси, барибир, давр талаби даражасида фикрлаши, виждонан ҳалол меҳнат қилиши керак. Ҳар бир домла ўз касбига садоқат билан ёндашиши, ўз вазифасига муносиб бўлиши лозим.

Эндилкида ўтган йиллар давомида сақланиб қолган айрим эски усуллардан бутунлай воз кечадиган вақт аллақачон келди. Дарҳақиқат, таълим тизимида қонун устуворлиги, адолат тамойили таъминланмас экан, олиб борилаётган ислоҳот биз кутган самарани бермайди. Бу эса нафақат таълим соҳаси вакилларини, ваколатли инсонларни, ҳар бир юртоҳшимизни ҳам оғоҳликка чорлаши керак.

Эълон

Тошкент шаҳар Олмазор тумани “Мухбир” кўчаси 10-уй 65-хонадонга тегишли бўлган № 15-05/2158 рақамли ордер йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани 12-қўртал 11-уй 27А хонадонга тегишли бўлган № 01-01/11993 рақамли ордер йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 800.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади — 20 386

Босишга топширилиш вақти — Босишга топширилди — 15.00

Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.